



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1978 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

№ 186 (8426).

29 сентябрь, 1984 йил

ШАНБА

Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида чекка шимол районларида ва СССРнинг шимол-шарқий қисмидаги ташқи диний муносабатларни қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан таъин этилган таълим ва тарбия бўлими раҳбарлари билан бўлиб ўтган мажлисда, ушбу бўлимнинг ишлари ҳақида ҳисобот берилди. Бўлим раҳбарлари томонидан таъин этилган таълим ва тарбия бўлими раҳбарлари билан бўлиб ўтган мажлисда, ушбу бўлимнинг ишлари ҳақида ҳисобот берилди.

Мажлисда ишчиларнинг ушқоқлиқ билан ишлаш олиш ва ёшларни жамоатчилик йўли билан ишга даъват этишни янада таъминлаш чоралари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг шу масала юзасидан қабул қилинган қароридан қўйилган таъин этилган таълим ва тарбия бўлими раҳбарлари билан бўлиб ўтган мажлисда, ушбу бўлимнинг ишлари ҳақида ҳисобот берилди.

Мажлисда ишчиларнинг ушқоқлиқ билан ишлаш олиш ва ёшларни жамоатчилик йўли билан ишга даъват этишни янада таъминлаш чоралари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг шу масала юзасидан қабул қилинган қароридан қўйилган таъин этилган таълим ва тарбия бўлими раҳбарлари билан бўлиб ўтган мажлисда, ушбу бўлимнинг ишлари ҳақида ҳисобот берилди.

«Оқ олтин» ВАТАНГА

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА

ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ

28 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун—районлар; иккинчи устун—бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун—мавсум бошидан буён; тўртинчи устун—шу жумладан бир кунда машина-терилган пахта; бешинчи устун—мавсум бошидан буён:

Коммунистик	4,51	32,56	5,11	34,83
Ғалаба	4,48	30,41	4,63	30,11
Оққўрғон	4,44	28,74	4,83	25,88
Бўка	4,37	28,68	4,56	25,35
Чиноз	3,58	27,58	2,51	9,20
Лингйўл	3,09	24,67	2,50	12,13
Бекобод	3,21	20,98	2,29	8,18
Ўрта Чирчиқ	3,64	18,93	3,78	18,46
Пискент	3,06	19,19	2,58	10,81

Область бўйича:	3,85	25,61	3,74	19,87
-----------------	------	-------	------	-------

РАЙОНДА БИРИНЧИ

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номи колхозининг Ш. Турдиев бошлиқ бригадаси деҳқонлари плани бажариб, социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар.

Машъал колхоз деҳқонлари термини бажариб бошлаган ғалаба. Мавсумга пухта тайёрлагилар кўрилганлиги, терим техникаси ишга софати содланганлиги туфайли суруят кун сайин кўчамоқда. Айниқса, механизаторлар маҳорат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг куч-ғайрати туфайли колхозда пахта териш ва тайёрлаш бўйича белгиланган график муваффақиятли бажарилаётган. Ўтган кун шу колхоздан хушхабар олинди. Ўртоқ Ш. Турдиев бош-

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ЎРТАЧАСИ 10 ТОННАДАН ОРТИҚ

БўКА. Тимирязев, «Октябрь 40 йилги», «Коммунизм» колхозлари теримда пешқадимлик қилмоқдалар. Ўтган кун бу ҳўжаликларда йиллик планининг ўртача 7,5—8 процентига етказиб пахта тайёрланди. Бу машиналарнинг шарофатидир! Айни кунларда Тимирязев номи колхозда 18 та, «Октябрь 40 йилги» колхозда 25 та, «Коммунизм» колхозда 20 та «зағори кема» ишлаётди. Бу машиналар билан кунга ўртача 10—12 тоннадан пахта териб олинмоқда.

ЕШЛАРГА НАМУНА

Шу райондаги Карл Маркс номи колхозда истиқомат қилувчи Норхон ай Раҳматованинг номи кўпаларга таниш. Онахон ўз ўрнини пахтазорда деб билиб, фарзандларига ёрдамга отланди. У ҳозиргача хирмонга бир ярим тонна пахта тўкди. Мавсум давомида шахсий хирмонини беш тоннага етказиш учун сўз берган. Ҳар кун 130—150 килограммдан «оқ олтин» термоқда. Кекса коммунистлар, пенсионерлардан З. Мавлудов, А. Мамажонов каби ўртоқлар ҳам баҳоли-қудрат пахта териб, ёшларга намуна бўлмоқдалар.

ЯНГИ ЕР ҲОСИЛИ

БЕКОВОД. «Ленинград» совхозининг Муродин Забитов бошлиқ бригадаси пахтазорлари лини ўзлаштирилган ерга пахта экиб, фидокорона меҳнат қилди. Ўтган куннинг ушқоқлиқ билан бошлаб, маррага барвақт етиб келди. Улар 70 гектар ерининг ҳар гектаридан планга кўшимча яна ўн центнердан ҳосил топширишга аҳд қилганлар. Бригаданинг ютуғига механизатор Муҳаммад Арслонов муносиб ҳисса қўшди. У ҳозиргача 50 тоннадан ортиқ пахта териб берди. Замира, Халима Забитовалар, Сураё Умарова, Заид Музаффарова сингари кўшимчи-агрономчи теримчилар ҳам нормаларини ошириб бажариб, кўпчиликка ўрнак кўрсатяптилар.

ПАХТАЗОРДА КЎЧМА АМБУЛАТОРИЯ

ОҚҚЎРҒОН. Марказий касалхонага қарашли 3 та кўчма амбулатория бир

неча кундирки, пахтакорларга малакали медицина хизмати кўрсатаётди. Ўтган кун улар «Ленинизм» колхозини далада бўлибди. Дала шийони, богча-яслилар, фельдшерлик-акушерлик пунктларини назоратдан ўтказдилар. Амбулатория составида Тўқтин Алиев, Муратбой Бойматов, Кахрамон Омиров сингари шифокорлар бор. Уларга медицина файлари кандидати Шавкат Қосимов бошчилик қилаётди. Кеча амбулатория шифокорлари Ҳамид Олимжон, Қўйишев номи колхозларда бўлибди.

БАЙРОҚНИ САҚЛАБ ҚОЛДИЛАР

ЧИНОЗ. «Қизил Октябрь» колхозини пахтакорлари сўғити беш кунликда ҳам район кўча Қизил байроқини сақлаб қолдилар. Бунга улар дала ишларини намунали таниқ этиш, барча ишчи кўчалари, ресурслардан, техникадан унумли фойдаланиш туфайли эришмоқдалар. Шу кунгача колхозда 1100 тоннадан ортиқ пахта тайёрланди. Пахтазорларда 12 та машина унумли ишлаётди. Бир кунда бу машиналар ёрдамида 50 тоннадан ортиб «оқ олтин» терилди. Механизаторлар мусобақасида Эркин Очилов пешқадимлик қилмоқда. Ўтган кун хирмонга 11 тонна «оқ олтин» териб топширди. Мавсумда кам деганда 180 тонна пахта теришга аҳд қилган бу моҳир механизатор кун сайин суруятини кучайтирмоқда.

ОТЯД ОЛГА БОРАЁТИР

ПИСКЕНТ. 15-хунар-техника билим юрти комсомол-ёшларидан иборат отряд бир неча кундирки, Тельман номи колхоз далаларида йиғим-теримда қатнашмоқда. Бу отрядга 50 киши ўқитилган. Мавсумда 150 тонна пахта териб беришга аҳд қилган комсомол-ёшлар вақтдан унумли фойдаланмоқдалар. Уларнинг шу кунгача терган пахталари 50 тоннадан ортиб кетди. Кўнuld Пўлатова, Дилором Толипова, Насиба Мусаева, Илхом Тўқиев каби комсомол-ёшлар ҳар кун 100 килограммдан ортиб «оқ олтин» теришга эришмоқдалар. Улардан ўрнатилган нормаларини ортиқ билан бажариш ва хирмонга сифатли пахта топшириш учун куч-ғайратларини аямасдан меҳнат қилаётирлар.

САРАЛАБ ТЕРИНГ

лар ҳосили териб олиниши керак. Кейинги йилларда институтимиз олимлари иштирокида уруғлик пахта-ини машиналар ёрдамида яруслар бўйича териб олиш методи ишлаб чиқилган. Бу ҳозир яхши самара бермоқда. Усимликнинг пахтини қисмидаги ҳосили уруғлик учун йиғиб олиниш, устки қисмидаги ҳосил запас уруғлик фондини ташкил этиш учун териб олинади. Бунинг боиси шундаки, пахстадаги ҳосил тўйинган чигити бўлиб, мағзи тўқ бўлади. Ўза тупининг юқори қисмидаги кўсақлар эса пахстадаги ҳосил нисбатан бироз нимжонроқ бўлиб, улардан бўлиқлари очилган пайтда запас фонд учун терилди.

Кўп йиллик тажриба-лардан уруғлик пахтани эрта етилириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги маълум бўлди. Уруғлик кўеиш нурига қанчалик тўйинса, ривожланиш шунчалик тезлашиб, қисқа муддатда унб чикади. Ҳозирги вақтда уруғлик пахтини сифатли териб олиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Шундай экан, уруғлик пахтини ўз вақтида сифатли қилиб йиғиб-териб олиш учун зарур чораларни кўрайлик.

Т. ХОЛЖАЕВ, Зайеб номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Бутуниттifoқ ғўза селекцияси ва уруғчилик илмий тадқиқот институтининг катта илмий ходими, биология фанлари кандидати, Э. ҲАСАНОВ, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, С. ОДИЛОВ, илмий ходим.

МАШИНАДА КИМ қанча тергуги?

(28 сентябрғача бўлган маълумот).

Ўтган кун областимиз хўжаликлари далаларида 2426 та пахта териш агрегати юқори унум билан ишлатилди. Ҳар бир машинада ўртача 5,4 тоннадан пахта терилди. Бу борада яна ғалабалик механизаторлар ғойиблигини кўздан бермадилар. Улар 366 та пахта териш машинасининг ҳар бирида 6,2 тоннадан пахта теришга эришдилар. Оққўрғон райони механизаторлари эса 347 та пахта териш агрегати билан ҳар бирида ана шунча миқдорда пахта териб олдилар. Шунингдек Коммунистик ва Бўка районларида ҳам ана шундай юқори кўрсаткичлар қайд қилинди.


ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ БЎЙИЧА	ЧИНОЗ РАЙОНИ БЎЙИЧА:
АДАМЕНКО Николай — С. Сегизбоев номи совхоз механик-хайдовчиси. ХН — 3,6 маркали машинада бир кунда 17 тонна, мавсум бошидан буён 110 тонна. Мажбурияти — 150 тонна.	УМАРОВ Акбарали — «Ўзбекистон ССР 30 йилги» колхозини механик-хайдовчиси. 17 ХВ — 1,8 маркали машинада бир кунда 5,5 тонна, мавсум бошидан буён 56 тонна. Мажбурияти — 200 тонна.
КОВЕШНИКОВ Михаил — «Оққўрғон» совхозини механик-хайдовчиси. ХНП — 1,8 маркали машинада бир кунда 15 тонна, мавсум бошидан буён 82 тонна. Мажбурияти — 200 тонна.	ЯНГИЎЛ РАЙОНИ БЎЙИЧА:
ПИСКЕНТ РАЙОНИ БЎЙИЧА:	ИСОҚЖОНОВ Абдухаким — «Коммунизм» колхозини механик-хайдовчиси. ХНП — 1,8 маркали машинада бир кунда 10 тонна, мавсум бошидан буён 70 тонна. Мажбурияти — 170 тонна.
СОДИРОВ Собир — Свердлов номи колхозини механик-хайдовчиси. ХНП — 1,8 маркали машинада бир кунда 9 тонна, мавсум бошидан буён 55 тонна. Мажбурияти — 150 тонна.	АЛДАШЕВ Турсун — «Октябрь» колхозини механик-хайдовчиси. 17 ХВ — 1,8 маркали машинада бир кунда 6 тонна, мавсум бошидан буён 54 тонна. Мажбурияти — 135 тонна.

Оққўрғон районидаги «Озод» колхозининг Умат Алешов бошлиқ бригадаси деҳқонлари ҳам ташаббускорлар сафига қўшилиб, 107 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олишга аҳд қилганлар. Суратда: бригадир У. Алешов.

А. АБАЛАН фотоси.

БўКА районидаги Ҳамза номи колхоз деҳқонлари бу йил ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил топшириш учун курашмоқдалар. Механизаторлар ғайрат билан меҳнат қилиб, хирмонга барака киритмоқдалар. Суратда: (чапдан) илғор механизаторлардан Хусан Деҳқонбоев ва Абдумурод Умаровлар. «Зағори кема»ларда терилган пахта бункерлардан тележкага ағдарилаётган.

Г. ПУН фотоси. (ЎЗТАГ).



ШАҲАРЛИКЛАР ҲАМ ПАХТАКОР ШИФОКОРЛАР ДАЛАГА ОТЛАНДИЛАР

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ фахру ифтихори бўлиши «оқ олтин»ни йиғиб-териб олишда долзарб кунлар давом этапти. Терим суруати дақиқа сайин, соат сайин ортиб борапти. Бу йилги мавсум кўпроқ пахтанинг сифатига эътибор берилган алоҳида мазмун касб этади. Бунинг учун эса ҳамма бир жону бир тан бўлиб меҳнат қилмоғи зарур. Бугун ҳамма шаҳарликлар ҳам пахтакор! «Пахтазор» жасорат майдони, биз ёшларнинг ўрнимиз ана шу майдонда! Абу Али ибн Сино номи 1-шаҳар клиник касалхона-

сининг комсомол-ёшлари ана шундай ташаббус билан майдонга чиқдилар. Бу ватанпарварлик ташаббусига 50 йилгича қўшилди. Врачлар ҳамширалар, санитарлардан иборат 25 комсомол-ёш пойтахт областимизнинг Пискент районига жўнаб кетди. Маълумки, Октябрь райони кўп йиллардан бери Пискент районида оталиқ ёрдами кўрсатиб келмоқда. Шаҳарлик медицина ходимлари райондаги хўжаликларда пахтакорлар билан ёнма-ён бўлишди. Улардан яна 25 киши «Жиззас» областининг Ўзбекистон районида йўл олди. Бизнинг шифокорларимиз ҳар йил ҳам пахтакорларга маддхор бўлишар эди, — дейди беш врач Қ. Ризаев, — бироқ ҳозиргача улар фақат тиббий ёрдам кўрсатишарди. Бу йил эса улар ҳам бевосита теримда иштирок этадилар. Ярим кун хўжалик меҳнаткашларига ва ҳашарчиларга медицина ёрдами кўрсатишса, ярим кун этак тутиб «оқ олтин» теришади.

Оловқалб ташаббускорлар орасида хирургрлар Санд Расулов, Артур Ким, даволувчи врачлар Наргиса Паршова, Лобар Умарова, ҳамшира Арофат Тўрақонова, санитарка Динабор Зокирова каби ўз касбининг усталари бор.

Х. АЛИМОВ.

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИГА ТЕНГЛАШИНГ!

ЕТАКЧИ ТАРМОК

Тасс фотохроникаси.

